

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

---

*Кўлёзма ҳуқуқида  
УДК: 33:658.6:64*

**СУЛТОНОВ ШОДИЁР АБДУҲАЛИЛОВИЧ**

**ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА КИЧИК БИЗНЕС  
ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ  
(Қашқадарё вилояти мисолида)**

**08.00.05 - “Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти”**

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини  
олиш учун тақдим этилган диссертация**

**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

**САМАРҚАНД - 2011**

Диссертация иши Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида бажарилган.

**Илмий раҳбар:** иқтисод фанлари номзоди, доцент  
**Абдукаримов Барат-Али**

**Расмий оппонентлар:** иқтисод фанлари доктори  
**Маматов Зайнутдин Тўлабоевич**

иқтисод фанлари доктори  
**Суюнов Дилмурод Холмуродович**

**Етакчи ташкилот:** Самарқанд қишлоқ хўжалик институти

Ҳимоя Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича К.067.12.01 рақамли Ихтисослашган Кенгашнинг 2011 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 140100, Самарқанд ш., Амир Темур кўчаси, 9-уй.

Диссертация билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин.

Автореферат 2011 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

**Ихтисослашган кенгаш**  
илмий котиби, и.ф.д., профессор

**Тухлиев И.С.**

## 1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Республикамизда амалга оширилаётган ислохотларнинг hozirgi bosqichida iqtisodiyetni erkinlashtirish, mamlakatni modernizatsiyalash, makroiqtisodiy barqarorlikni ta'minlash vazifaga uzluksiz iqtisodiy ushga erishishdek dolzarb vazifa quyilgan. Bu esa uz navbatida, iqtisodiyetda erishgan yuqularning asosi – bозor iqtisodiyeti, mulk shakllarining takomillashuvi, iqtisodiyetdagi keskin tuzilmaviy uzgariشلar, kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning ylpi ichki mahsulotdagi ulushining ortib borishi bilan baholanmoqda. Ўзбекистон Республикаси Президенти ta'kidlaganidek, "...mamkatomimiz iqtisodiyetida kichik biznes, birinchi navbatda, xususiy tadbirkorlikning roli va ulushini yanada kengaytirishni ta'minlay oladigan qonunlarni qabul qiliش"<sup>1</sup> dolzarb vazifa sifatida belgilangan.

Mamkatomimizda utkazilayotgan isloхotlar iqtisodiyetning barча soхalarini, шу jumladan, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik (KBXT)ni rivoжlantirishga zamin yaratdi. KBXTni mamkatomimiz ichki imkoniyatlardan kelib chiqib, rivoжlantirish mexanizmlarini takomillashtirish dolzarbligicha qolmoqda. Хизмат kўrsatish soҳасида KBXTning samaradorligini oshirish йўllarini tadqiq etishda uz echimini kutayotgan qator muammolar mavjud.

Iqtisodiyetni modernizatsiyalash va aholi farovonligini oshirish sharoitida хизмат kўrsatish soҳасида KBXT subьektлари samaradorligini oshirish bugungi kunda mamkakat iqtisodiyeti oldida turган muҳim masalalardan biridir. Хусусан, mulkchilikning asosiy харакатlantiruvchi kuchi deb эътироф этилаётган хизмат kўrsatish soҳасидаги KBXT subьektлари samaradorligini oshirishning istiqbolini belgilash, tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlarini takomillashtirish va шу soҳada ilmiy jihattan asoslangan taklif va amaliy tavsialar ishlab chiqish ut muҳimdир. Чунки bозor munosabatlarini takomillashtirishda, iqtisodiyetni yanada erkinlashtirishda KBXT faoliyatini rivoжlantirish, uning natijasida mamkakat byudjeti barqarorligini ta'minlash, ylpi ichki mahsulotni (YIM) ishlab chiqarish, aholi bandlegini ta'minlash kabi dolzarb muammolarni хал qiliشga erishilmoqda. Mazkur soҳани rivoжlantirish uchun maълum shart-sharoitlarning yaratilishi, soliq, boжхона va boшқа tўlovlar бўйича imtiёzларning belgilanishi, bank kreditlaridan samarali foьdalaniш natijasida kisqa davr ichida KBXT subьektlarining sони toбора oshib bormoqda. Rasmiy maълumotlarga kўra, 1992 йилда rўйхатга olingan kichik biznes korxonalari sони 16,5 mingtани tashkil etган бўlsa, 2010 йилning birinchi yanvarь холатига бу kўrsatkich (fermer хўжалиklaridan tashqari) 224,2 mingtaga etди, yani deyarli 14 barobar ўсди. Amalga oshirilgan чора-tadbirlar natijasida kichik biznes subьektlarining ylpi ichki mahsulotdagi ulushi 2010 йилда 52,5 foizga

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Mamkatomimizda demokratik isloхotlarni yanada chuқurlashtirish va fuқarolik jamiyatini rivoжlantirish konseptsyasi. "Халк сўзи", 2010 йил, 13 ноябрь, - 4 б.

етди. Ҳолбуки, бу кўрсаткич мустақилликнинг дастлабки йилларида 1,5 фоизни, 2000 йилда эса 31,0 фоизни ташкил этган эди. Лекин, бу борада айрим муаммолар мавжуд. Бунинг асосий сабаби КБХТ фаолиятининг бугунги кун талабига мос иқтисодий механизмининг яратилмаганлиги, улар фаолиятида иқтисодий воситалардан фойдаланиш, хўжалик юритувчи бошқа субъектлар билан иқтисодий алоқалари ва давлат ҳокимият органлари билан муносабатларининг такомиллашмаганлигидир. Шу билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТ субъектларининг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалалар, хусусан уларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллариининг ҳамон ўз ечимини топмаганлиги ҳам ушбу мавзунини танлашга асос бўлди.

2011 йилнинг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” йили деб эълон қилиниши ҳам диссертациянинг ўта долзарб мавзуга бағишланганлигидан дарак беради.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимиз ва хорижлик иқтисодчи олимларнинг хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТни ривожлантириш, улар фаолиятини баҳолаш мезонларига бағишланган қатор илмий ишлари мавжуд. КБХТ фаолиятининг назарий асослари ва ижтимоий аҳамияти А.Смит, Ж.Б.Сей, Дж.М.Кейнс, Й.Шумпетер, А.В.Чаянов<sup>2</sup>, К.А.Раицкий<sup>3</sup>, И.А.Журавлева<sup>4</sup>, А.П.Киселев<sup>5</sup> каби иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган. Улар КБХТ назариясини ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшганлар. Мустақиллик йилларида мамлакатимиз олимлари томонидан ҳам ушбу мавзу бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилди. Хусусан С.С.Ғуломов<sup>6</sup>, Ғ.Ҳ.Қудратов<sup>7</sup>, Ё.Абдуллаев<sup>8</sup>, М.С.Қосимова<sup>9</sup>, Б.Ходиев<sup>10</sup>, А.Абдуллаев<sup>11</sup>, Д.Суёнов<sup>12</sup>, М.Қ.Пардаев<sup>13</sup>, С.К.Салаев<sup>14</sup>, Б.А.Абдукаримов<sup>15</sup>, Г.С.Севликянц ва Э.Н.Хаджаевлар<sup>16</sup> кабиларнинг бу борада олиб борган тадқиқотларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

<sup>2</sup> Қаранг: Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: “Соц.экгиз”, 1962, -с.332.; Кейнс Дж. Общая теория занятости процента и денег. –М.: “Прогресс”, 1948, -с. 238-240; Шумпетер Й. Теория экономического развития. –М.: “Мысль”, 1982, с. 159.; Н.Зверева. А.В.Чаянов. О размере семьи и крестьянского домохозяйства. // Вестник статистики. 1991, №7, с. 47.

<sup>3</sup> Раицкий К.А. Экономика предприятия. Учебник.- М.: ИВЦ “Маркетинг”. 2003. с. 683.

<sup>4</sup> Журавлева И.А. Основные направления развития малого бизнеса в сфере услуг и их экономическое обоснование, Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук, Белгород-2005.

<sup>5</sup> Киселев А.П. Теория и практика современного бизнеса. – “Либра”, 1995.- с. 246.

<sup>6</sup> Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2002.- 365 б.

<sup>7</sup> Қудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ., Абдукаримов Б.А. Сервис ривожини – аҳолининг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш омили. Рисола. Т.: “Фан ва технология”, 2007. -16 б.

<sup>8</sup> Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. 100 савол ва 100 жавоб (1-қисм), Т.- “Меҳнат”, 2000.- 347 б.

<sup>9</sup> Қосимова М.С., Ходиев Б.Ю., Самадов А.Н., Мухитдинова У.С. Кичик бизнесни бошқариш. –Т.: “Ўқитувчи”, 2003.- 239 б.

<sup>10</sup> Ходиев Б., Беркинов Б., Кравченко А. Бизнес қийматини баҳолаш. Т.: “Иқтисод-молия” 2007.- 254 б.

<sup>11</sup> Абдуллаев А., Сотволдиев А., Ўринбоев И, Абдуллаев С. ва бошқалар. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ташкил этиш, режалаштириш, бошқариш. – Т.: “Фан ва технология”, 2005.- 243 б., Абдуллаев А., Муфтайтидинов Қ., Айбешов Х. Кичик бизнесни бошқариш. – Т.: “Молия” 2003.- 191 б.

<sup>12</sup> Суёнов Д.Х. Кичик ва ўрта бизнес субъектларида бошқарувни ташкил қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш йўналишлари: иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Т., ТДИУ, 2004.-23 б.

<sup>13</sup> Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари, (Монография), Т.: “Фан ва технология”, 2007.-163 б.

<sup>14</sup> Салаев С.К. Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш: иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: ТДИУ 2008. -49 б.

<sup>15</sup> Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. – Т.: “Фан ва технология”, 2007.- 386 б.

<sup>16</sup> Севликянц Г.С., Хаджаев Э.Н. Предпринимательство в Республике Узбекистан.-Т.: изд. Народного наследия им. А.Кадыри МГП “Ижод”, 1993. – 159 с.

Бирок, илмий адабиётларни таҳлил қилиш натижаси шуни кўрсатдики, КБХТ субъектлари самарадорлигини ошириш масалалари хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича етарлича тадқиқ этилмаган.

**Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Иқтисодиёт” кафедраси илмий тадқиқот ишлари режаси ва ОТ-7Ф 126 рақамли “Сервис тизими фаолиятини ривожлантиришнинг методологик муаммолари” мавзусидаги фундаментал илмий тадқиқоти давлат гранти доирасида бажарилди ва уларнинг таркибий қисмида ўз ифодасини топган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТ ҳолатини ва ривожланиш тенденцияларини тадқиқ этиш ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича назарий-услубий тавсиялар ва амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Диссертация ишининг мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТнинг моҳияти ва уни янада ривожлантиришнинг назарий асосларини очиб бериш;

- хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТда аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда улар даромадини ошириш йўллари асослаш;

- хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТнинг ривожланишда чет эл тажрибасини ўрганиш ва уларнинг ижобий томонларини республикада жорий этиш бўйича тавсиялар бериш;

- Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТнинг ривожланиш босқичларини назарий жиҳатдан асослаш;

- хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТнинг самарадорлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари бўйича назарий – услубий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

- хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТ самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳолатини тадқиқ қилиш;

- хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТ самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларни таснифлаш;

- Қашқадарё вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТни ривожлантиришда эркин иқтисодий зоналарни ташкиллаштиришнинг иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий базасини яратиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

- хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТ самарадорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти:** Қашқадарё вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасидаги КБХТ субъектлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети:** иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТ субъектлари самарадорлигини ошириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқот методлари:** тадқиқот жараёнида индукция ва дедукция, анализ ва синтез, монографик, тизимли ёндашув, илмий абстракция, мантикий ёндашув, статистика ва иқтисодий таҳлилнинг қиёслаш, гуруҳлаш,

занжирли алмаштириш, индекс, танлаб кузатиш, анкета сўрови каби усулларидан фойдаланилди.

**Химояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

- хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТ самарадорлигини оширишнинг назарий масалалари;
- хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТ самарадорлигини оширишнинг мезонлари, кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш усуллари;
- хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТ самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий йўналишлари.

**Ишнинг илмий янгилиги.** Хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТ субъектлари самарадорлигини ошириш бўйича илмий-назарий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Улар қуйидагиларда ўз аксини топган:

- хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТнинг моҳияти очиб берилган ва ривожлантиришнинг SWOT-таҳлили ишлаб чиқилган;

- хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТнинг ривожланиши бўйича чет эл тажрибаси ўрганилиб, уларнинг ижобий томонларини республика амалиётига жорий қилиш бўйича тавсиялар берилган;

- Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТнинг ривожланиш босқичлари аниқланган ва ҳар бир босқичнинг ўзига хос хусусиятлари асосланган;

- хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТ субъектлари самарадорлигини ошириш мезонлари аниқланган ва уларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, ҳисоблаш йўллари ишлаб чиқилган;

- хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТ самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омиллар аниқланган ва уларни таснифлаш усули асосланган;

- Қашқадарё вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТни ривожлантириш учун эркин иқтисодий зонани ташкил этишнинг иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий базасини яратиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Илмий аҳамияти хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТ субъектларининг самарадорлигини ошириш борасида амалга ошириладиган тадқиқотлар учун назарий асос бўлиши мумкинлиги билан белгиланади. Тадқиқот натижаларидан олий ва ўрта махсус таълим тизимида иқтисодчилар, менежерлар, маркетингларни тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТ субъектлари самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Тадқиқот натижасида эришилган ҳулосалар ва ишлаб чиқилган тавсиялар Қашқадарё вилояти ҳокимлигида (2010 йил 12 мартда тасдиқланган, 04/141-1 сонли далолатнома) соҳани ривожлантиришнинг минтақавий дастурини ишлаб чиқишда, Давлат илмий тадқиқотлар доирасидаги ОТ-7Ф-126 рақамли “Сервис тизими фаолиятини ривожлантиришнинг методологик муаммолари” мавзусидаги фундаментал

давлат грантини бажаришда (далолотнома), “Қашқадарё тех Самара сервис” МЧЖ амалиётида (2010 йил 15 ноябрда тасдиқланган, 25-сонли далолатнома) ҳамда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида ўқув жараёнида фойдаланиш учун қабул қилинган (2009 йил 18 сентябрда тасдиқланган далолатномалар).

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Тадқиқот давомида олинган натижалар ва илмий-амалий хулосалар қўйидаги халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида илмий маъруза кўринишида баён қилинган, тезис сифатида нашр этилган ва маъқулланган: “Иқтисодиётини эркинлаштириш ва модернизация қилиш шароитида иқтисодиётни ривожлантириш ва сервисни такомиллаштиришнинг назарий ва методологик муаммолари” (Самарқанд, 2005 йил); “Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида соҳаларни ривожлантиришнинг назарий ва методологик муаммолари” (Самарқанд, 2009 йил, 17 апрель); “Иқтидорли ёшлар - келажак бунёдкорлари” (Самарқанд, 2009 йил 1-3 апрель); “Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва аҳолини иш билан таъминлаш масалалари” (Самарқанд, 2009 йил 26 декабрь); “Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси: муаммолар ва ривожланиш истиқболлари” (Самарқанд, 2010 йил 6-10 апрель); “Барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашда туризмнинг роли” (Самарқанд, 2010 йил 24-26 ноябрь). Ушбу маърузаларда қилинган хулоса ва таклифлар илмий-амалий анжуманлар тавсияларида ўз аксини топган.

Шунингдек, диссертация иши Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Иқтисодиёт” кафедрасининг кенгайтирилган мажлисида, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича К.067.12.01 рақамли Ихтисослашган кенгаш қошидаги 08.00.05 – “Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти” ихтисослиги бўйича илмий семинарда муҳокама этилиб, ҳимояга тавсия этилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Илмий-тадқиқот натижалари бўйича жами 15 та иш нашр қилинган. Улардан 2 таси рисола, ОАК эътироф этган илмий журналларда 3 та мақола, халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида 10 та тезислар шаклида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг умумий ҳажми 153 бетдан иборат бўлиб, у 13 та жадвал, 14 та расмларни ва 4 та иловани ўз ичига олган.

## **2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Мамлакатимизда КБХТнинг ривожланиши аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда жиддий сифат ўзгаришларини юзага келтирди. Аҳолининг иш билан бандлик даражасини оширишда КБХТни жадал ривожлантириш билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликнинг турли шакллари кенг жорий этиш, қишлоқ жойларда фермер хўжалиқларини ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида

аҳамият берилмоқда. Натижада КБХТ аҳолининг бандлигини таъминлашда муҳим бўғинга айланди (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Ўзбекистон ва Қашқадарё вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯХМда ва аҳоли бандлигидаги улуши<sup>17</sup> (%)**

	Йиллар					Ўсиш суръати	
	2006	2007	2008	2009	2010	Фарқи (+; -)	2006 йилга нисбатан (фоиз)
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз ЯИМдаги улуши	42,1	45,5	48,2	50,1	52,5	10,4	124,7
Қашқадарё вилоятида	44,3	47,5	50,9	52,0	55,0	+10,7	124,1
шу жумладан:							
кичик корхона ва микро-фирмалар улуши	26,5	28,7	31,2	32,2	34,2	+7,7	129,0
якка тадбиркорлик улуши	9,0	9,5	8,1	8,1	10,2	+1,2	113,3
деҳқон хўжаликлари улуши	8,8	9,3	11,6	11,7	10,6	+1,8	120,4
КБХТнинг мамлакатимиз иқтисодиётида банд бўлган ходимлардаги ҳиссаси	71,1	68,5	68,7	70,8	70,8	X	X
Қашқадарё вилоятида	71,3	73,4	73,2	74,4	74,9	X	X
шу жумладан:							
кичик корхона ва микро-фирмалар ҳиссаси	2,0	2,7	2,7	1,9	3,4	X	X
якка тадбиркорлик улуши	14,1	14,8	14,3	14,2	12,0	X	X
деҳқон хўжаликлари ҳиссаси	40,7	55,9	56,3	57,8	59,5	X	X

Тадқиқотларимиз кўрсатмоқдаки, мамлакат иқтисодиётида КБХТнинг ЯИМдаги улуши ҳамда банд бўлган ходимлардаги ҳиссаси 2006-2010 йиллар давомида ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу мамлакатимиз ва Қашқадарё вилоятида ҳам кўзга ташланмоқда.

Тадқиқот давомида хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТ самарадорлигини оширишнинг назарий масалаларига алоҳида аҳамият берилди. Бунда “бизнес”, “кичик бизнес”, “тадбиркорлик”, “тадбиркор” тушунчаларининг мазмуни назарий жиҳатдан таҳлил қилиниб, барчаси бўйича муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди.

**Бизнес** деганда ўз ёки қарз маблағи, ўз жавобгарлиги остида ташаббускорлик ва таваккалчилик билан фойда олишга қаратилган фаолият тушунилади.

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.



**Кичик бизнес** деганда иктисодиётнинг тез ўзгарувчанлигига мослаша оладиган, қонунлар билан чегараланган ходимлар сонига эга бўлган, кичик ҳажмда фаолият кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар тушунилади.

**Тадбиркорлик** деганда фуқароларнинг янги ғояларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган фойда олиш ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган амалдаги қонунлар доирасида ўзининг таваккалчилиги ва моддий ҳамда маънавий жавобгарлиги асосида амалга оширадиган мустақил, ташаббускор фаолият тушунилади.


**Тадбиркор** деганда ўзининг маълум бир миқдордаги молиявий маблағини таваккал қилган ҳолда бозорга янги ғоя, маҳсулот, иш ва хизматлар билан кириб боровчи амалдаги қонунлар асосида фаолият кўрсатувчи ишбилармон шахс тушунилади.

Хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорликнинг турлари ва функциялари тадқиқ қилиниб, уларнинг хиллари тизимлаштирилди. Тадбиркорликни қуйидаги турлари мавжудлиги асосланди ва уларнинг назарий изоҳи келтирилди (1-расм).



**1-расм. Тадбиркорлик турлари<sup>18</sup>**

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, тадбиркорлик фаолияти давомида қуйидаги функциялар бажарилади (2-расм).



**2-расм. Тадбиркорлик функциялари**


Тадқиқот давомида хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТ субъектлари фаолиятининг самарадорлигини оширишнинг мезонлари, кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш усуллари қараб чиқилди.

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, самарадорликнинг мезони ва кўрсаткичларини аниқлашда учта йирик гуруҳга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир: биринчидан, жамият миқёсида; иккинчидан, ҳудудлар; учинчидан, хўжалик юритувчи субъектлари миқёсида.

Ҳозирги шароитда КБХТ хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам иктисодиётнинг замонавий тармоқлари сингари жадал ривожланиб бораётган соҳадир.

<sup>18</sup> Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси.

Шунга кўра, мазкур соҳада хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигининг мезони қуйидагиларда ўз аксини топади (3-расм).



**3-расм. Хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТ нинг мезонлари<sup>19</sup>**


Хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТ самарадорлигини оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари тизимлаштирилди. Буларни учта йўналишда қараб чиқиш лозим, деган хулосага келинди (4-расм).

Хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТнинг ривожланиши бўйича чет эл тажрибаси ўрганилиб, уларнинг ижобий томонларини республика амалиётига жорий қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ишда тараққий этган давлатларида КБХТни ривожлантириш масалалари ўрганилди. Натижада шундай хулосага келдикки, сўнгги 30-40 йил ичида ушбу субъектларнинг ўсиш суръати тезлашган ва миллий иқтисодиётда КБХТнинг тутган ўрни ҳам ортган. Бунга жуда кўп омиллар таъсир қилган. Бу омиллар тизими ишда келтирилган. Булардан ташқари, ривожланган мамлакатларда жамоат ташкилотлари ҳам КБХТнинг асосий ҳимоячиси бўлиб ҳисобланиши ҳам эътиборга олинди.


Бозор муносабатларига асосланиб иш кўраётган давлатларда КБХТнинг иқтисодиётга тутган ўрни юқори эканлигига гувоҳ бўлдик (5-расм).

<sup>19</sup> Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси.



**4-расм. Тадбиркорлик фаолиятини юритишнинг ташкилий-хуқуқий шакллари тизими<sup>20</sup>**

<sup>20</sup> Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси.



**5-расм. 2010 йилда Ўзбекистонда ва хорижий давлатларда КБХТ нинг ЯИМ даги улуши<sup>21</sup>**

Ушбу расмдан кўришиб турибдики, АҚШ, Япония ва Италияда КБХТ субъектларининг мамлакат ЯИМдаги улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил қилади. Европа давлатларидан Англия, Германия ва Францияда ушбу кўрсаткич 50 фоиздан юқори. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 2010 йилда 52,5 фоизни, шу жумладан, Қашқадарё вилоятида 55,0 фоизни ташкил этганлиги ҳам кўрсатадики, мамлакатимиз бу борада анча илғор ўринларни эгаллаб турибди.

Алоҳида ривожланган давлатларда кичик бизнес субъектларини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Қуйида уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари келтирилган (2-жадвал).

Жадвалдан кўришиб турибдики, яқка тартибдаги корхоналар кичик бизнеснинг кенг тарқалган ташкилий-ҳуқуқий шакли ҳисобланади. Бизда ҳам яқка тадбиркорликка катта аҳамият берилиши бежиз эмас.

Ўзбекистонда КБХТни ривожлантиришнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқишда хорижий давлатларнинг бу борадаги айрим тажрибаларидан унумли фойдаланиш ўринли, деб ҳисоблаймиз:

- хорижий мамлакатларда КБХТнинг ривожланишига тезлаштирилган амортизация ва қулай инвестиция солиқларининг жорий қилинишини;
- хорижий мамлакатларда КБХТнинг кўплаб турлари ва шаклларининг қўлланилиши ўзгарувчан бозор конъюктураси шароитида, асосий воситалардан самарали фойдаланиш имконини бераётганлигини;
- ривожланган давлатларда КБХТ субъектларини ташкил қилиш шартларининг нисбатан енгил ва соддалиги тадбиркорларнинг ушбу соҳага қизиқишини янада ошираётганлигини;
- ривожланган давлатларда консалтинг компаниялари тадбиркорларга комплекс маслаҳат хизматларини кўрсатишни ташкил қилганлиги;
- КБХТ субъектларининг бирлашиши натижасида уларнинг йириклашуви ва халқаро бозорга чиқиши миллий ускуна ва технологиялар экспорти ҳажмининг ошишига ижобий таъсир кўрсатишини;
- ривожланган давлатлар молия бозорларининг юқори даражада интеграциялашуви КБХТларга катта ҳажмдаги маблағларни жалб этиш

<sup>21</sup> Интернет ва оммавий ахборот воситалари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг асосий ташкилий-ҳуқуқий шакллари<sup>22</sup>**

Давлатлар	Ташкилий-ҳуқуқий шакллари
Буюк Британия	Индивидуал (якка) тадбиркорлар, ассоциациялашган масъулияти чекланган компаниялар
Франция	Индивидуал (якка) тадбиркорлар, акциядорлик компаниялар, масъулияти чекланган жамиятлар, ўртоқлик корхоналари
АҚШ	Якка тартибда бошқарувчи корхоналар, ўртоқлик (ҳамкорликдаги) корхоналар, корпорациялар
Германия	Якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилар, шерикчилик асосида фаолият кўрсатадиган кичик акциядорлик жамиятлари

орқали кредит ва лизинг хизматлари ҳажмини кенгайтиришини.

Хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТ субъектларини Қашқадарё вилоятида ривожлантириш бўйича SWOT<sup>23</sup> таҳлили ишлаб чиқилди. Ушбу таҳлил орқали КБХТ субъектларининг устунликлари, афзалликлари, заиф жиҳатлари, имкониятлари ҳамда унга нисбатан таҳдидлар аниқланди (3-жадвал).

Мазкур таҳлил истиқболда республиканинг барча ҳудудларида, хусусан, Қашқадарё вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТни ривожлантиришнинг минтақавий дастурларини ишлаб чиқишда ҳамда амалга оширишда муҳим асос бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТнинг ривожланиш тенденцияси тадқиқ қилинди, унинг босқичлари аниқланди ва ҳар бир босқичнинг ўзига хос хусусиятлари асосланди. КБХТнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнини уч даврга ажратган ҳолда ўрганиш тавсия этилди.

Улар қуйидагилардан иборат:

*1-давр.* 1917 йилга қадар бўлган давр. Ушбу давр хунармандчилик ва савдогарлик юқори суръатларда ривожланганлиги билан характерланади. Бу давр соҳада асосан қўл меҳнати ҳиссасининг юқори бўлганлиги ва якка тадбиркорлик шаклида эканлиги билан изоҳланади.

*2-давр.* 1917 йилдан 1991 йилгача бўлган давр. Тадбиркорлик ва ташаббускорликка аҳамият берилмаган, агар режада кўзда тутилган бўлмаса, юзага чиқмайди, хусусий мулк инкор қилинган даврдир.

<sup>22</sup> Лапуста М.Г., Старостин Ю.Л. Малое предпринимательство: Учеб.пособие.-2-е изд.-М.: “ИНФРА-М”, 2002.- с. 305, Клаус Брюмер. Система поддержки малого предпринимательства в Германии.// “Деньги и кредит”.-2001.-№7.-с.163-171.

<sup>23</sup> SWOT — стратегик режалаштиришдаги таҳлил усули бўлиб, омил ва ҳодисаларни 4 та гуруҳга ажратишни назарда тутди: Strengths (кучли томонлари), Weaknesses (Заиф томонлари), Opportunities (Имкониятлари) ва Threats (Таҳдидлар). SWOT атамаси илк бор 1963 йилда АҚШнинг Гарвард университетида бизнес сиёсати бўйича анжуманда профессор К.Эндрюс томонидан киритилган.

**Қашқадарё вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг SWOT-таҳлили<sup>24</sup>**

<b>КУЧЛИ ТОМОНЛАР</b>	<b>ЗАИФ ТОМОНЛАР</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>• КБХТни ривожлантириш бўйича Давлат ва ҳудудий дастурларнинг узоқ муддатга ишлаб чиқилганлиги ва амал қилиниши;</li> <li>• қулай меъёрий-ҳуқуқий заминнинг яратилганлиги;</li> <li>• солиқ ва божхона имтиёзларининг мавжудлиги;</li> <li>• тижорат банкларида имтиёзли кредитлаш механизмнинг такомиллашганлиги;</li> <li>• давлат ва назорат идораларининг молиявий-хўжалик фаолиятга аралашувининг кескин камайтирилганлиги;</li> <li>• тижорат банкларининг капиталлашув даражасининг ошганлиги;</li> <li>• инқироздан чиқиш бўйича аниқ чора-тадбирларнинг мавжудлиги;</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• кадрлар малакасининг талабга жавоб бермаслиги, уларнинг бозор сирларини, конъюктурасини яхши билмаслиги;</li> <li>• КБХТ субъектларининг истиқболли режаларининг асосиз тузилганлиги;</li> <li>• молиявий ресурсларнинг чекланганлиги;</li> <li>• қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш бўйича етарли ахборотга эга эмаслиги;</li> <li>• пул даромадлари ва харидорлар сонининг камайиши;</li> <li>• талаб ва таклиф, маркетинг, бозор конъюктурасини ўрганиш бўйича тадқиқотларининг ҳудудлар бўйича ўтказилмаганлиги кабилар.</li> </ul>
<b>ИМКОНИАТЛАР</b>	<b>ТАҲДИДЛАР</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>• тўловга қодир инвесторларнинг соҳага инвестиция қўйиш истагининг мавжудлиги;</li> <li>• КБХТ субъектларига ҳукумат томонидан устуворлик берилиши;</li> <li>• КБХТ субъектларининг бозорга тез мослашувчанлиги;</li> <li>• божхона назорати муддати уч йил билан чекланганлиги;</li> <li>• вилоятда консалтинг хизматларини кўрсатиш ва уни ривожлантириш имкониятларининг мавжудлиги;</li> <li>• маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ва бозор конъюктурасини ўрганиш кўникмасининг мавжудлиги кабилар</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• баҳолар ва фоиз ставкаларининг барқарор эмаслиги;</li> <li>• хорижий рақобатчиларнинг хизматлар бозорида мавқеининг ўсиши;</li> <li>• бошқа ҳудудлар билан хизмат бозорининг яхши йўлга қўйилмаганлиги;</li> <li>• қонунчиликдаги ўзгаришларнинг КБХТ субъектларига ҳамиша етиб келиш имкониятининг йўқлиги;</li> <li>• мавсумий ва демографик вазиятнинг ўзгарувчанлиги;</li> <li>• оилавий бизнеснинг ўзига хос хусусиятларини инобатга оладиган қонунларнинг ҳамон яратилмаганлиги кабилар.</li> </ul>

*3-давр.* Республикамиз мустақилликка эришгандан кейинги 1991-2010 йилларни қамраб олган давр. Бу даврнинг хусусиятли томони иқтисодиётда “танглик” ҳолати ҳукм суриши, иқтисодиётни эркинлаштириш ва барқарорлаштириш бош вазифа қилиб белгиланиши, давлат томонидан уни амалга оширишнинг махсус механизми яратилиши, мулкни хусусийлаштириш ва унинг давлат тасарруфидан чиқарилиши, тадбиркорликка кенг йўл очиб берилиб, КБХТни ривожлантириш устувор вазифа қилиб белгиланиши билан тавсифланади. Ушбу даврни КБХТни

<sup>24</sup> КБХТ субъектларининг кучли томонлари, имкониятлари, заиф томонлари ва уларга таҳдидларни тадқиқ қилиш натижасида муаллиф ишланмаси.

ривожлантиришнинг меъерий-ҳуқуқий асослари тўлиқ яратилган давр сифатида баҳолаш мумкин.

Мазкур даврни шартли равишда тўрт босқичга бўлиб тадқиқ қилиш лозим, деган хулосага келинди:

*1-босқич* 1991-2000 йилларни ўз ичига олади. Бу Ўзбекистоннинг нафақат сиёсий, балки иқтисодий мустақилликка эришган даври бўлди. Тадбиркорликка кенг йўл очилиб, КБХТни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича тегишли меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими ишлаб чиқилди ва амалиётга тадбиқ этилди.

*2- босқич* 2001-2006 йилларни ўз ичига олади. Бу босқичда КБХТ субъектлари амалда шаклланди. Уларнинг муваффақиятли ривожланиши учун шароит яратилди. Давлат томонидан тегишли ёрдамлар кўрсатилиб, имтиёзлар берилди.

*3-босқич* 2007-2010 йилларни ўз ичига олади. Бу босқич 2008 йил август ойида АҚШ Ипотека банки инқирози сабабли жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг бошланиши, Ўзбекистонда инқироз шароитида КБХТни қўллаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштириш билан боғлиқ тадбирларнинг амалга оширилиши, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича тегишли ҳуқуқий-меъерий ҳужжатларнинг такомиллаштирилиши рўй бериши билан изоҳланади.

*4-босқич* 2011 йилдан бошланди. Мазкур йил “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниши муносабати билан узоқ муддатга мўлжалланган КБХТни ривожлантириш Давлат дастури қабул қилинди. Шунга асосан, мамлакатимизнинг ҳар бир вилояти ва туманларида ушбу соҳани ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурлари ишлаб чиқилди ва уларни амалга ошириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Ушбу босқичнинг ўзига хос хусусияти шундаки, КБХТ соҳасида ҳам модернизация қилишни давом эттириш эвазига уларни юқори технологик жараёнларни таъминловчи замонавий техникалар билан жиҳозлашнинг кўзда тутилганидир.

Хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТ субъектлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларни ҳисоблаш йўллари ишлаб чиқилди.

Меҳнат унумдорлиги даражаси натурал ва қиймат шаклида ҳисобланиши мумкин. Натурал шаклда ҳисобланса, товарлар ҳажмининг ходимлар ўртача сонига нисбати олинади.

$$MU = \frac{T_m}{X_c} \quad (1)$$

Бу ерда:  $T_m$  – товарлар ва хизматлар ҳажми;

$X_c$  – ходимларнинг ўртача йиллик сони.

Меҳнатнинг фойдалилик (рентабеллик) даражаси. Ушбу кўрсаткич бир сўмлик иш ҳақиға тўғри келадиган соф фойда суммасини ифодалайди:

$$MK = \frac{C\phi}{M_x\Phi} \quad (2)$$

Бу ерда:  $C\Phi$  – соф фойда суммаси;

$M_x\Phi$  – иш ҳақи фонди.

Меҳнат сиғими ( $M_{сиз}$ ) меҳнат унумдорлигига тескари кўрсаткич бўлиб, бир сўмлик тушумга тўғри келадиган меҳнат сарфини ифодалайди.

$$M_{сиз} = \frac{x_c}{T_M} \quad (3)$$

Хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТда меҳнат унумдорлигининг умумий ўсиши ( $\Delta MU$  умумий) хизматлар кўрсатиш ҳажмининг ошиши ва ходимлар сонининг камайиши ҳисобига бўлинади ва у қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\Delta \hat{O} = \frac{100(\Delta \hat{A} + \Delta \hat{O}_r)}{100 + \hat{O}_r} \quad (4)$$

Бу ерда:  $\Delta B$  – КБХТда жорий даврда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиш ҳажми фоизи.

$\Delta Y_n$  – корхоналарда ишловчилар сонининг камайиш фоизи. Агар ишловчилар сони камаймай, кўпайиб борса, ишловчилар сони фоизи тескари белги билан ифодаланади.

Хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТда маҳсулот ишлаб чиқариш миқдори ёки кўрсатилган хизматлар ҳажми (сони)нинг ўсишида қанча қисми меҳнат унумдорлигининг ошиши, қанча қисми қўшимча ресурслар (меҳнат ресурслари)ни жалб қилиш эвазига бажарилишини ифодаловчи кўрсаткич билан аниқланади. Бу формула орқали интенсив омил улуши аниқланади.

$$\hat{E}_{ie} = \left( 1 - \frac{\Delta \hat{O}_{en}}{\Delta \hat{O}_o} \right) \times 100\% \quad (5);$$

Бу ерда:  $I_{ок}$  = интенсив омил улуши;

$Y_{uc}$  = ишчилар сонининг қўшимча ўсиши;

$Y_x$  = хизматлар ҳажмининг қўшимча ўсиши.

Ўртача иш ҳақи унинг умумий суммасини ходимларнинг ўртача сонига нисбати билан аниқланади.

$$\hat{E}_{\tilde{O}_{\delta\delta}} = \frac{\hat{E}_{\tilde{O}\tilde{A}}}{\tilde{N}_{\delta\delta}} \quad (6);$$

Хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТ тизимида ижтимоий самарадорликни ягона мезон билан ўлчаб бўлмайди. Чунки соҳада унинг мезони ва кўрсаткичлари бир хил эмас. Агар ижтимоий самарадорликнинг мезони унинг мазмуни ва вазифасини ифодаласа, кўрсаткичлар, самарадорлик-ни ўлчаш ва баҳолаш курали бўлиб хизмат қилади. Ишда ижтимоий самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларни баҳолаш тизими ишлаб чиқилди (6-расм).





**6-расм. Ижтимоий самарадорлик кўрсаткичлари**

Изоҳ: Муаллиф ишланмаси.

Тадқиқот давомида хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТ субъектлари самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омиллар аниқланди ва уларни таснифлаш усули асосланди. Умумий ҳолда хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТнинг самарали фаолият олиб бориши учун асосан қуйидаги тўрт гуруҳ: *ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий* ва *иқтисодий* омиллар таъсир қилиши асосланди.

*Ҳуқуқий* омиллар КБХТ самарадорлигини оширишда асосий омил ҳисобланади. Чунки КБХТ фаолиятини тартибга солиш уларнинг давлат, ўзаро, аҳоли ва ходимлар билан бўладиган ҳуқуқий муносабатларининг асосий йўналишларини белгилаб беради. Уларга ушбу омил нима қилиш мумкину, нима қилиш мумкин эмаслик тамойилининг амал қилиш андозасини кўрсатиб беради.

*Сиёсий* омил КБХТ фаолияти жараёнида бўлаётган барча ходисаларга давлатнинг муносабатини ва уларга таъсирини белгилаб беради. Давлатнинг КБХТ фаолиятига қай даражада таъсир кўрсатиши ёки аралашини кераклиги ҳам сиёсий омил тушунчасига киради. Бундай аралашини олдиндан белгиланмаган ёки белгиланган бўлиши мумкин.

*Ижтимоий* омил бошқа омилларга нисбатан ўзининг таркиби жиҳатидан анчагина мураккаб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам унинг таркиби кўпгина бўлимлардан ташкил топади.

*Иқтисодий* омил КБХТ субъектларига бозордаги рақобатни ва нарх-наво ҳолатини аниқ кўрсатиб беради. Нарх-наво тизими ўз навбатида, талаб ва таклифнинг ҳолатини, рақобат муҳитини, нархлар даражасини, ишчи кучи қиймати, кредит ставкаси, солиқ ва мажбурий тўловларнинг ҳолатини ўзида ифодалайди.

Қашқадарё вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТни ривожлантириш учун эркин иқтисодий зонани ташкил этишнинг иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий базасини яратиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Эркин иқтисодий зона (ЭИЗ) – аниқ белгиланган маъмурий чегаралари ва алоҳида тартибга эга бўлган махсус ажратилган ҳудуддир. Бу хўжалик фаолиятини ташкил қилишнинг ҳамда мамлакат ташқи иқтисодий алоқаларининг илғор замонавий шакли ҳисобланади. Ўзбекистон республикасининг ҳудудида ЭИЗлар учун ташқи иқтисодий фаолиятнинг алоҳида тартиби (божхона, валюта, солиқ ва бошқалар) ўрнатилиши мумкин бўлиб, у эркин иқтисодий зоналар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Эркин иқтисодий зоналар жаҳон миқёсида миграция қилиб юрган капиталлар учун "қопқон" вазифасини ўтайди. Хорижий капитални миллий иқтисодиётга жалб қилиш билан бирга:

- саноат экспортини рағбатлантириш ва унинг асосида валюта маблағларини қўлга киритиш;
- бандлик даражасини ошириш;
- ҳудудлардан хўжалик юритишнинг янги методларини жорий қилиш учун синов майдони сифатида фойдаланиш ҳам мумкин.

Ривожланаётган мамлакатларда ҳам эркин иқтисодий зоналар тузишдан мақсад, илгари иқтисодий жиҳатдан қолоқ бўлган туманларни ривожланаётган туманларга айлантириш бўлган. Бунда давлат ҳудудида чет эл инвесторларини жалб қилиш, уларнинг фаолият кўрсатишлари учун қулай шароит яратиш йўли билан иқтисодий ривожланишни рағбатлантиришга ҳам эришилади.

Жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва жаҳон бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек Қашқадарё вилоятининг саноат салоҳиятини, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш

мақсадида Қарши шаҳри ҳудудида "Қашқадарё" эркин индустриал-иқтисодий зонани ташкил этиш лозим. Бунинг учун ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар мавжуд.

### 3. ХУЛОСА

Хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТнинг самарадорлигини оширишга қаратилган муаммоларни тадқиқ қилиб қуйидаги хулосаларга келинди ва бир қанча таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

1. Хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТ самарадорлигини оширишга қаратилган масалалар мамлакатимиз олимлари томонидан кам ўрганилган. Натижада унинг кўпгина назарий ва амалий муаммолари ўз ечимини топмасдан қолиб кетмоқда.

2. Бугунги кунда мамлакатимизда КБХТни, хусусан, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш борасида қатор тажрибалар тўпланди. Аммо амалиётда бу имкониятлардан тўлалигича фойдаланила олинмаётганлиги ҳам асосланди. Ишда улардан самарали фойдаланиш юзасидан бир қанча тавсиялар ишлаб чиқилди. Буларга:

- солиқ юкининг енгиллаштирилганлиги;
- рухсат бериш тартибининг қисқартирилганлиги ва соддалаштирилганлиги;
- иш фаолиятига ноқонуний аралашувнинг олдини олиш борасида кўплаб меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги;
- кичик тадбиркорлик субъектларига киритишга асос бўладиган умумий мезонлар белгиланганлиги (ходимлар сони, низом жамғармасининг миқдори, активлар миқдори, айланма маблағлар ҳажми, фойда, даромад ва ҳ.к.);
- табиий монополия соҳаларига кичик бизнес вакилларининг кириши учун шарт-шароитларнинг яратилганлиги;
- юқори ликвидли ва монопол маҳсулотлар сотиб олиш учун тегишли шароитларнинг яратилганлиги;
- бўш турган бино ва иншоотлардан фойдаланиш учун кенг имкониятларнинг мавжудлиги;
- КБХТ субъектларига молиявий кўмак берилиши;
- КБХТ субъектлари учун зарур инфратузилмаларнинг яратилиши;
- монопол маҳсулот ва хизматлар харажатларининг камайтирилиши;
- КБХТни қўллаб-қувватловчи бирлашмалар, Кенгаш ва бошқа ташкилотлар фаолият кўрсатаётганлиги, йирик ташкилот ва бирлашмалар, акционерлик жамиятлари ҳам КБХТлардан ёрдамни аямаслиги каби тартибларни киритиш мумкин.

3. Хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини оширишдаги ролининг катталиги асосланди. Ўзбекистонда тадбиркорликнинг ривожланиш жараёни 4 босқичдан иборат эканлиги асосланди.

5. Хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТ самарадорлигини баҳолаш мезонлари, кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш йўллари тавсия этилди.

6. Хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТ самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омиллар, уларнинг таснифи ва баҳолаш йўллари ишлаб чиқилди.

7. Хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилишнинг объектив зурурлиги ва аҳамияти очиб берилди. Бунда Қарши шаҳри имкониятларини ишга солишнинг йўналишлари асосланди.

8. Хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТ самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари кўрсатиб берилди. Буларга:

- вилоят аҳолисининг асосий қисми қишлоқ жойларида яшаши ҳамда вилоятнинг республика қишлоқ хўжалигидаги ўрнини инобатга олиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган мини цехлар ташкил этиш;

- бевосита хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи КБХТ учун ўз маҳсулотларини улгуржи ва чакана савдо орқали сотиш жараёнини такомиллаштириш учун рационал логистика тизимини жорий қилиш;

- амалдаги солиқларни оптималлаштириш, имтиёзлар белгилаш, хусусан, шаҳар ва қишлоқларнинг реал имкониятларидан келиб чиқиб, уларнинг табақалаган миқдорларини белгилаш;

- хизмат кўрсатиш соҳаси билан шуғулланувчи КБХТ субъектлари маҳсулотлари рақобатбардошлигини таъминлашга имкон яратиш мақсадида уларга узлуксиз электр энергияси ва сув таъминоти масалаларини маҳаллий ҳокимликлар томонидан тегишли тарзда ҳал қилишга қўмаклашиш;

- маҳаллий хомашё ҳисобига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, саноат ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш имкониятлари мавжуд бўлган туманларда чет эл инвестицияларини жалб қилган ҳолда КБХТ субъектлари доирасида қўшма корхоналар ташкил этиш;

- шаҳар ва қишлоқ жойларида КБХТнинг турли хил тарихий ва анъанавий турларини ривожлантириш ва мавжуд иқтисодий ресурслардан самарали ва тежамли фойдаланиш асосида рақобатбардош хизматлар кўрсатишни жадаллаштириш;

- республика аҳолисининг 47 фоизини ёшлар ташкил қилишини ҳисобга олган ҳолда улар талаби ва эҳтиёжларига мос келадиган хизмат турларини (компьютер, интернет, фото ва гўзаллик салонларини, сартарош-хона ва бошқаларни) кенгайтиришга ҳукумат даражасида эътибор қаратиш;

- тадбиркорларга қонун йўли билан белгиланган кафолат ва имтиёзларни тушунтириш, уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини янада ошириш учун жойларда учрашувлар, ўқув семинарлари, малака ошириш курсларини ташкил қилиш кабиларни киритиш мумкин.

#### **4. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИЛМІЙ ИШЛАР РЎЙХАТИ**

1. Абдукаримов Б.А., Султонов Ш.А. Қашқадарё вилояти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳолатининг тадқиқоти ва унинг ривожланиш йўналишлари // Иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизация қилиш шароитида иқтисодиётни ривожлантириш ва сервисни такомиллаштириш-

нинг назарий ва методологик муаммолари / Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Самарқанд: СамИСИ, 2005. - Б. 82-84.

2. Султонов Ш.А., Тошов Р.Н. Хизматлар соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантириш муаммолари ва ечимлари // СамИСИнинг 75 йиллигига бағишланган. Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш, сервис ва туризм корхоналари иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўллари / Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Самарқанд: СамИСИ, 2006. - Б.161- 162.

3. Султонов Ш.А. Проблемы развития малого бизнеса и частного предпринимательства в Узбекистане // Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида соҳаларни ривожлантиришнинг назарий ва методологик муаммолари / Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Самарқанд: СОҲАҚМБЮ, 2009. - Б.101-104.

4. Султонов Ш.А., Назаров С.З. Иқтисодиётимизни ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни // Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида соҳаларни ривожлантиришнинг назарий ва методологик муаммолари / Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Самарқанд: СОҲАҚМБЮ, 2009. - Б.65-68.

5. Султонов Ш.А., Яхъяев Э. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари // Иқтидорли ёшлар – келажак бунёдкорлари / Иқтидорли талабалар ва магистрантларнинг илмий анжумани материаллари. – Самарқанд: СамИСИ, 2009. - Б.397-398.

6. Султонов Ш.А., Усмонова М.И., Нормуродов У.Н. Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарадорлигини ошириш мезонлари ва кўрсаткичлари (Қашқадарё вилояти мисолида) // Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва аҳолини иш билан таъминлаш масалалари / Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Самарқанд: СамИСИ, 2009. - Б. 89-93.

7. Султонов Ш.А. Жаҳон молиявий - иқтисодий инқирози шароитида тадбиркорлик. // “Молия”. – Тошкент, 2009 - № 2. – Б. 80-83.

8. Султонов Ш.А. Инқироз шароитида тадбиркорлик фаолияти. // “Иқтисодиёт ва таълим”. – Тошкент, 2009 - № 4. – Б. 53-56.

9. Султонов Ш.А., Корхоналарни кичик тадбиркорликка ўтказиш масалалари // Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси: муаммолар ва ривожланиш истиқболлари // Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Самарқанд: СамИСИ, 2010. - Б. 197-200.

10. Султонов Ш.А. Тадбиркорлик ва бандлик. // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”. – Тошкент, 2010 - № 5. – Б. 37.

11. Султонов Ш.А. Некоторые проблемы совершенствования государственной поддержки малого бизнеса и частного предпринимательства в Узбекистане // Двадцать четвертые международные Плехановские чтения / Тезисы докладов. – Москва: 2011. – С. 420.

12. Султонов Ш.А. Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омиллар ва уларнинг таснифи // Сервис. – Самарқанд. 2010 - № 1. – Б. 49-55.

13. Султонов Ш.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши. Рисола. – Т.: “Молия”, 2009.- 32 б.

14. Султонов Ш.А. Истиқлол ва тадбиркорлик. Рисола. – Т.: “Молия”, 2009. - 24 б.

15. Султонов Ш.А. Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда эркин иқтисодий зоналарини ташкил қилишнинг объектив зарурлиги // Барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашда туризмнинг роли / Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Самарқанд: СамИСИ, 2010. - Б. 95-100.

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Ш.А. Султоновнинг  
08.00.05 - “Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти” ихтисослиги бўйича  
“Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг  
самарадорлигини ошириш йўллари (Қашқадарё вилояти мисолида)”  
мавзусидаги диссертациясининг  
РЕЗЮМЕСИ**

**Таянч (энг муҳим) сўзлар:** кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш, самарадорлик, иқтисодий самарадорлик, ижтимоий самарадорлик, самарадорликни баҳолаш мезонлари, самарадорлик кўрсаткичлари, аҳоли бандлиги, эркин иқтисодий зоналар.

**Тадқиқот объекти:** Қашқадарё вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасидаги КБХТ субъектлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг мақсади:** иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТ ҳолатини ва ривожланиш тенденцияларини тадқиқ этиш ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича назарий-услубий тавсиялар ва амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот методлари:** тадқиқот жараёнида индукция ва дедукция, анализ ва синтез, монографик, тизимли ёндашув, илмий абстракция, мантиқий ёндашув, статистика ва иқтисодий таҳлилнинг қиёслаш, гуруҳлаш, занжирли алмаштириш, индекс, танлаб кузатиш, анкета сўрови каби усуллардан фойдаланилди.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТнинг моҳияти очиб берилган ва ривожлантиришнинг SWOT-таҳлили ишлаб чиқилган; хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТнинг ривожланиши бўйича чет эл тажрибаси ўрганилиб, уларнинг ижобий томонларини республика амалиётига жорий қилиш бўйича тавсиялар берилган; Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТнинг ривожланиш босқичлари аниқланган ва ҳар бир босқичнинг ўзига хос хусусиятлари асосланган; хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТ субъектлари самарадорлигини ошириш мезонлари аниқланган ва уларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, ҳисоблаш йўллари ишлаб чиқилган; хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТ самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омиллар аниқланган ва уларни таснифлаш усули асосланган; Қашқадарё вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТни ривожлантириш учун эркин иқтисодий зонани ташкил этишнинг иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий асосини яратиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Амалий аҳамияти:** диссертацияда ишлаб чиқилган хулоса ва таклифлар республикадаги КБХТ билан шуғулланаётган субъектларнинг иш фаолиятида ва КБХТни ривожлантиришнинг минтақавий дастурларини ишлаб чиқишда, улар фаолиятининг самарадорлигини оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** таклиф ва тавсиялар Қашқадарё вилоят ҳокимлиги томонидан соҳани ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда, ОТ-7Ф-126 рақамли “Сервис тизими фаолиятини ривожлантиришнинг методологик муаммолари” мавзусидаги фундаментал давлат грантини бажаришда ҳамда “Қашқадарё тех Самара сервис” МЧЖ амалиётида ва Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг ўқув жараёнида фойдаланиш учун қабул қилинган.

**Қўлланиш соҳаси:** кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, уларнинг уюшмалари, ассоциациялари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари.

## РЕЗЮМЕ

**диссертации Ш.А.Султонова на тему: «Пути повышения эффективности малого бизнеса и частного предпринимательства в сфере услуг (на примере Кашкадарьинской области)» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.05 – «Экономика отраслей сферы услуг».**

**Ключевые слова:** малый бизнес, частное предпринимательство, предпринимательство, услуги, эффективность, экономическая эффективность, социальная эффективность, критерии оценки эффективности, показатели эффективности, занятость населения, свободные экономические зоны.

**Объекты исследования:** субъекты МБЧП в Кашкадарьинской области.

**Цель работы:** исследование состояния и тенденции развития, а также разработка научно-методических и практических предложений по повышению эффективности МБЧП в сфере услуг в условиях модернизации экономики и повышения благосостояния населения.

**Методы исследования:** в процессе исследования использованы методы такие как, индукция и дедукция, анализ и синтез, системный подход, монографическое исследование, научная абстракция, сравнения, группировка, цепная подстановка, индексы, выборочные обследование, анкетный опрос.

**Полученные результаты и их новизна:** теоретически обоснована сущность МБЧП в сфере услуг и произведён SWOT-анализ обеспечения их развития; изучены опыты зарубежных стран по обеспечению развития МБЧП и разработаны рекомендации по внедрению их положительных сторон в Республике; определены этапы развития МБЧП в сфере услуг в Узбекистане, а также обоснованы особенности отдельных этапов; разработаны предложения в научно - методическом и практическом плане по определению критерий и показателей эффективности МБЧП в сфере услуг; определены факторы, влияющие на эффективность МБЧП в сфере услуг и обоснованы способы их классификация; раскрыта роль свободных экономических зон в развитии МБЧП в сфере услуг и разработаны предложения по созданию экономических, организационных и правовых основ свободных экономических зон в Кашкадарьинской области.

**Практическая значимость:** оценивается возможностью использования сделанных выводов и разработанных предложений в деятельности субъектов МБЧП и при разработке программы развития, а также повышения их эффективности.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** разработанные в диссертации научно-методические и практические рекомендации и предложения приняты хокимиятом Кашкадарьинской области для использования при разработке программы развития сферы, при выполнении государственного фундаментального гранта на тему «Методологические проблемы развития деятельности системы сервиса» (07-7Ф-126) а также используются в организации деятельности ООО «Кашкадарё тех Самара сервис» и в учебном процессе «Самаркандского института экономики и сервиса».

**Область применения:** субъекты малого бизнеса и частного предпринимательства, их объединения, ассоциации, высшие и средне-специальные учебные заведения.



## RESUME

**Thesis of Shodiyor A. Sultonov on the scientific degree competition of the candidate of economics sciences, specialty 08.00.05 - "Economy of sphere of services" subject: «The ways of increasing of the efficiency of small business and private entrepreneurship in the sphere of services (on example of Kashkadarya region)»**

**Key words:** small business, private entrepreneurship, entrepreneurship, services, efficiency, economic efficiency, social efficiency, criteria of an estimation of efficiency, efficiency indicators, population employment, free economical zones.

**Subject of the research:** subjects of SBPE in Kashkadarya region.

**Purpose of work:** research of a condition and development tendency, and also working out scientific–methodical and practical offers on increase of efficiency of SBPE in the sphere of services in the conditions of modernisation of economy and increase of well-being of the population.

**Methods of research:** in the process of the research were used methods such as, induction and deduction, analysis and synthesis, systematic approach, a monographic study, a scientific abstraction, comparison, grouping, chain substitution, indexes, sample survey questionnaire.

**The results obtained and their novelty:** theoretically proved the essence and development of SBPE in the sphere of service industries; studied the experience of foreign countries to ensure the development of SBPE, and developed recommendations for the introduction of their positive aspects in the Republic; theoretically proved stages of development of SBPE in the sphere of service industries of Uzbekistan, and also were proved features of separate stages, developed proposals in the scientific - methodological and practical aspects of the definition of criteria and performance indicators of SBPE in the sphere of services, identified the factors affecting the efficiency of SBPE in the sphere of service and reasonable methods of their classification, revealed the role of free economic zones in development of SBPE in the service sector and proposals for the creation of economic, institutional and legal bases of free economic zones in Kashkadarya region.

**Practical value:** evaluated the possibility of using conclusions and proposals developed in the activity of SBPE and development program as well as to improve their effectiveness.

**Degree of embed and economic effectivity:** developed in the thesis scientific methods, practical recommendations and suggestions adopted by hokimiyat of Kashkadarya region to be used for development program the sphere of the implementation of fundamental state grant on "Methodological problems in the development of system of service" (07-7F-126) and also are used in the organization of activity of JSC «Kashkadaryo teh Samara service», also in the educational process of Samarkand institute of economy and service.

**Field of application:** subjects of small business and private entrepreneurship, their unions, associations, the chamber of commerce and industry, the higher and secondary-special educational institutions.

Тадқиқотчи

---